

## **ТАЛАБАЛАРДА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛАНТИРИШ ЖИҲАТЛАРИ**

Қодирова Гўзал Баҳодир қизи  
Гулистон Давлат Университети

### **Аннотация**

Мазкур мақолада талаба-ёшларда экологик маданиятни мужассамлантиришда аждодлар меросидан фойдаланиш жиҳатлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** аждодлар мероси, ёшлар, талабалар, экологик маданият

### **Долзарблиги**

Маълумки, бутун жаҳон бўйлаб юзага келаётган кўплаб экологик муаммолар инсонларда экологик маданиятнинг етарлича шаклланмагани, аксариятимизнинг экология ва атроф-муҳит муҳофазаси борасидаги билимларимизнинг саёзлиги натижаси эканлиги мутахассислар томонидан тасдиқланган.

Экологияни соғ ҳолда сақлаш фақатгина эколог-табиатшуносарнинггина вазифаси эмас.

Атроф табиий муҳитни, яхшилаш хар биримизнинг бурчимиз ва бу қўлимиздан келади.

Масалан, биргина кўчат экиш, ҳовлимиздаги бўш ерни гулзорга айлантириш билан айни шу мақсадга хизмат қилаётганимизни унутмаслигимиз керак.

Табиат бугун биз инсонлар ёрдамига, кўмагига муҳтоҷлигини ёдда тутган холда, буларни, айниқса, биз ёшлар бир-биримизга, ўзимиздан кичикларга доимо эслатиб туришимиз лозим.

Ўзимиз яшаётган шаҳримиз, туманимизни худдики, хонадонларимизни қандай озода тутсак, уларни ҳам шундай соғ сақлайлик.

Чиқиндиларни дуч келган жойга, аралаш-қуралаш қилиб улоқтирумасдан, маҳсус жойларга, ажратиб ташлаш даркор.

Масалан, кераксиз қоғоз, картонларни бошқа чиқиндиларга қўшиб яроқсиз холга келтиргандан ёки ёқиб хавони захарлагандан кўра йиғиб, маҳсус жойларга топшириш - жамиятга, иқтисодиётимизга наф келтирган яхши эмасми?

Куз-серҳосил, менинг севимли фаслим, аммо хазонрезгилик бошланиши билан бехузур бўла бошлайман, сабаби кўпчилик атрофга аччиқ тутун таратиб, хавони булғаб хазонларни ёқа бошлайдилар.

Нега улар бу қилаётган ишлари нотўғри эканлигини, бу билан атмосферага зиён етказаётганликларини англамайдилар ёки билишса ҳам бефарқлар.

Шундай экан ёшларда экологик маданиятни шакллантириш учун ҳаво қатламига зиён етказадиган, атроф-муҳит мувозанатини бузиб, инсон саломатлигига зарар берадиган ҳолатлардан бири бўлган хазон-у чиқиндиларни ёқмасликни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш лозим.

Ушбу ҳолатни олдини олиш учун сайдроҳ-у боғларга, ўқув муассасалари-ю, иш ва турар жойларига хазонни ёқмаслик, у тупроқ учун энг яхши озуқа бўлиши мумкинлиги ёзиб қўйилган огоҳлантирувчи лавҳалар ўрнатиш, оммавий ахборот воситаларида бот-бот шу хақда маълумот-у видео-роликлар бериб борилиши жоиз.

## **Материал ва усуллар**

Кўпчилик талабалардан экология ва унинг муаммолари нималарда акс этади, деб кичик сўровнома ўтказганимизда улар дунёдаги энг улкан муаммолар тўғрисида тўхталишиди.

Жуда созаммо қўз олдимизда рўй бераётган, ўзимиз бевосита бажарувчисига айланадётган салбий одатларимизни (тамаки чекиш, хазон ёқиши, чиқиндиларга нотўғри муносабатда бўлиш, сақичларни турли жойларга ёпиштириб кетиш ва ҳакозо) қачон тарк этамиз

Сувни тежаш, чиқиндини камайтириш, очиқ турган сув жўмрагини ёпиб қўйиш, ерда ётган қоғоз ёки цеплофан халтачани олиб, маҳсус жойга ташлаш, балки майда-чуйда, аҳамиятсизга юмушга ўхшаб кўринар, аммо мана шулар одамнинг экологик маданиятигдан дарак беради, экологик вазиятни яхшилашга бизнинг ҳиссамиз бўлади.

Ёшларда экологик маънавиятни шакллантириш учун биринчи ўринда ўз халқининг азалдан таркиб топган экологик маънавий меросини уларга англатиш лозим.

Ана шунда авлодлар аждодларидан андоза олган ҳолда, анъаналарни давом эттиради.

## **Натижалар ва уларнинг муҳокамаси**

Халқимизнинг экологик маънавий меросига назар солсак, ўтмишда ота-момоларимизнинг юксак экологик маданиятига эга бўлганликларига амин бўламиз.

Масалан, қўп ривожланган давлатлар ўз табиий бойликларини иложи борича, сақлаб қолиш йўлидан бормоқда.

Зеро, ўзбек халқининг севимли нақли билан айтганда “ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди”.

Аммо мана шундай оқил халқнинг биз фарзандлари ота-боболаримиз ўгитларига амал қиласдан, электор токи, газ ва сув каби унсурларни тежамасдан, худди улар тугамайдигандек ишлатмоқдамиз.

Халқимиз орасида “увол” деган тушунча қадимдан жуда кенг тарқалган.

Табиат унсурлари, яъни сув, тупроқ, ўсимликлардан бемақсад фойдаланиш увол саналган.

Ота-момоларимиз эса она ерни хурмат қилишган, уни ризқ-рўзимиз манбаи, деб билишган.

Чучук сувнинг меъёридан ортиқ ишлатилиши натижасида яқин 10-15 йилда сув муаммоси бутун дунё аҳолиси олдидаги глобал масалага айланди.

Марказий Осиёда географик жиҳатдан сув ҳавзалари камлиги туфайли сув қадимдан олтин мисоли қадрланган.

Ўзбек халқида “сув бор жойда ҳаёт бор” деган нақл бежиз эмас.

Шу боисдан ўлкамизда сувни азалдан асраб-авайлаб, тежаб-тергаб фойдаланишган.

Сувни бехуда оқизиш увол ҳисобланган. Уни турмушда ҳам, деҳқончилик ишларида ҳам тежашган.

Сув тилла баҳосида юрганлигига қарамасдан ўлкамизда қадимдан кунига камида 3-5 марта ювениш одат тусига кирганди.

Айни пайтда бир томчи ҳам сувни исроф қиласликка ҳаракат қилинарди.

Ҳар бир иш бажарилгандан кейин қўл уч марта ювилмаса, қўлга ушланган нарса ҳаром ҳисобланиб келинарди.

Оқар сувлар ариқларнинг то бошидан охиригача тоза ва шишадек тиниқ сақланарди.

Уни дуч келган жойда ичиш мумкин эди. У чиндан ҳам санитария жиҳатидан тоза эди.

Сувга умуман бирор нарса, ҳатто тош ҳам ташлаш мумкин эмас эди. Сувга хурматсизлик қиласдан одамлар қаттиқ койилар ва жазоланаарди.

Мабодо, бундан 40 - 50 йиллар муқаддам ҳам, кимдир сувга тупурганини қўришса, одамлар уни ақлдан озган деб ўйлашарди.

Бугунги қундачи, бемалол анҳор-у сойларга чиқинди ташлаймиз, уларни тозалашни ўзимизга эп қўрмаймиз.

Яна бир мисол: уй-жой қурилишини олайлик. Асосан, маҳаллий табиат унсулуридан тикланган уй-жойлар ва бошқа қурилишлар ўта тежамкор усул билан оқилона қурилган.

Уй-жойлар асосан пахсадан тикланган, улаонинг томлари эса терак хари ва қамишлар билан ёпилган.

Қурилишлар учун ёғоч ускуналар ҳар доим етарли бўлган. Чунки ҳар бир оиласда ўғил туғилиши биланоқ бир иморатга еткулик терак экиб қўйилган.

Аждодларимизнинг кийинишига келсак уларнинг кийим кечаклари озгина-созгина бўлган.

Эркакларда кўчалик иккита чопон (ёзлик ва қишлиқ) бўлган.

Уйда кийиш учун ҳам алоҳида чопон бўлган. Бир нечта жуфт якtagи бўлган. Асосан маҳси-ковуш кийишган.

Хозирги ёшлар эса “мода”ни кетидан чопишиб, усти-бош устига кийим-кечак кўпайтирадилар. Ўзбекистон аҳолисининг тежамкорлиги, пухталиги, саришталиги табиат бойликларидан фойдаланиш, моддий бойликларни истеъмол қилиш жараёнидагина эмас, балки маънавий бойликлардан фойдаланиш ҳамда озиқ-овқатни истеъмол қилиш пайтида ҳам намоён бўлади. Аҳолининг экологик кўникумларининг элементларидан бири, экологик маънавиятининг кўрсаткичи атроф-муҳитни озода асраш, шу жумладан танини, хонадонини, чорбоғини, жамоат жойларини, табиатни тоза сақлашдан иборат.

Азалдан уй ичи ҳамда ҳовли ҳар куни тозалаб, супуриларди. Ўн беш йигирма қунда уй ичи қоқиб солинарди, кўрпа-тўшак офтобга ёйиб олинарди. Бирор сиқим ҳам ахлат қолмасди.

Ҳас-ҳашаклар йиғилиб ўчоққа ёқиб юбориларди, хазонрезгилик пайтда дарахт барглари ерга қўмиб қўйиларди ва улар ер остида чириб ўғит вазифасини ўтарди.

Ҳовлини ҳеч замонда ариқ томонга қараб супуришмасди. Мева-чеваларнинг пўстлоқлари мол-қўйларга берилар, овқат қолдиқлари ва суяклар итга ташланарди.

Агар хўжаликда бундай ҳайвонлар бўлмаса, улар ҳайвони бор қўшниникига чиқариларди.

Қадимдан дехқончилик мавсуми эрта баҳорда ариқларни қазиши ва тозалаш, тартибга келтириш, ҳовузларни мустаҳкамлаш, ўйл кўприкларни тузатишдан бошланарди.

Бу ишларнинг ҳаммаси ҳашар йўли билан қилинарди. Ҳашарда ҳамма оиласдан албатта вакил қатнашарди.

Жисмоний ишга бирор сабаб билан қурби етмай қолган кишилар ҳашарчиларнинг овқатини кўтаришар, уларга ўз иш қуроллари билан ёрдам беришар ҳамда бошқа ёрдамчи ишларга кўмаклашардилар.

Кечқурун ҳашарчилар бирор жойда тўпланиб гурунг қилишарди. Ҳамма учун катта қозонларда ҳашар оши тайёрланарди, ўйин-кулги қилиниб ҳашар байрамга айланиб кетарди.

Дехқончилик ишининг кейинги босқичи далаларни ўт-ўланлардан, буталардан қуриб қолган шох-шаббадан тозалашдан иборат бўлган.

Тўқайлар ҳамда бошқа жойлар қуриб қолган шох шаббалардан тозаланаарди, шу тариқа у ердаги дов-дарахтларнинг барқ уриб ўсиши учун шароит яратиларди.

## **Хуносалар**

Юқорида айтиб ўтганларимиз халқимиз маънавий меросининг мингдан бир улушкини ташкил қиласди.

Ёшларда экологик маданиятини шакллантиришда аждодларимизнинг мана шундай бой экологик маънавий меросидан фойдаланиш лозим.

Ҳар бир ёш авлод онгига буларни етказиш керак.

Бунинг учун шоҳқўчаларнинг кўзга кўринадиган жойларига, дўконлар-у бекатлар деворлариға халқимизнинг қадим экологик маданиятини акс эттирувчи сурат-у сатрлар осиб қўйиш керак, тадбирларда саҳна кўринишлар, чиқишилар қилиш керак ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш жоиз, деб ўйлаймиз.

Чунки, халқимизнинг экологик маънавияти қадимдан юксак бўлган. Биз ёшлар уни янада яхшироқ ўрганишимиз ҳамда бу меросни ҳозирги шароитда фойдаланиш имкониятларини топишимиз керак.

## **АДАБИЁТЛАР**

1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида»ги 142-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 22-сон, 282-модда; 2017 й., 19-сон, 345-модда)

2.Абдурахманов Қ.Х. Талаба-ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш жиҳатлари. Саломатлик ва тиббий статистика институти. Тошкент.-2016.-64 б.

3.Тоҳтаходжаева М.Х. ва бошқалар. Педагогика назарияси ва тарихи. 1-қисм. Педагогика назарияси. - Т.: «Иқтисод-молия», 2016.

4. Эрнст Генрих Геккель. Красота форм в природе. - Санкт-Петербург: Изд-во Вернера Регена, 2017.